# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
# BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
# QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 12-март 417к-son Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани ҳокимининг 2016 йил 12 мартдаги 403қ-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Боғот туман “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро Сотимова Санамга қарашли “Маънавият” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Турар жой” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўгрисидаги туман ҳокимининг 2016 йил 12 мартдаги 403қ-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 7 январдаги ШЯ-С-24-сонли аризасини, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 9 ноябрдаги 3908-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани ҳокимининг 2016 йил 12 мартдаги 403қ-сонли қарорининг биринчи бандига қуйидагича ўзгартириш киритилсин;

- ушбу қарордаги “1200,01 квадрат метр” сўзлари “умумий ер майдони 740,0 квадрат метр” деб ўқилсин.

2. Боғот тумани ҳокимининг 2016 йил 12 мартдаги 403қ-сонли қарорнинг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.

3. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва фуқаро Сотимова Санамга етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2016 йил март ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими** **Ш.Яхшибаев**